
ЎЗ СОҒЛИГИНГНИ, ЎЗ БОЛАНГНИ, ЎЗ ОИЛАНГНИ ЎЗИНГ АСРА!

Ёзёвон тумани халқ таълими бўлими мудир Фозилжон Юлдашевнинг барча педагог ходимлар, мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналарига

МУРОЖААТИ

Ҳурматли педагог ходимлар, азиз ўқувчилар ва ота-оналар!

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 8 июль кунги видеоселектор йиғилишида мамлакатдаги эпидемиологик вазиятга тўхталиб ўтди.

Ушбу видеоселектордаги мурожаатдан келиб чиқиб, юртимизда кузатилаётган эпидемиологик ҳолатни инобатга олган ҳолда оиламиз, фарзандларимиз, ота-оналаримиз ва нурунийларимизга ҳавф туғдираётган бундай хатарли офатга бепарво қараб бўлмайди. Ўзимиз ўз соғлигимизни асрамасак, ўз фарзандимиз, ота-онамиз, қариндошларимизни ҳеч ким асраб бермайди. Ушбу хатарли вазиятдан чиқиб кетишимиз учун, сизлардан огоҳ бўлишингизни, зийрак бўлиб, тартиб-интизом билан карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолатда, зарурат туғилмаган тақдирда кўчага чиқмаслик, ўз саломатлигимизга бепарво бўлмаслик, касаллик белгилари кузатилганда ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш, заруратсиз оилавий тадбирлар ўтказмаслик, фарзандларимизни кўчада мақсадсиз юрмасликларини олдини олиш, ота-оналардан фарзандларининг кўпроқ билим олишларига яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишлари учун етарли шароит яратиш беришингизни сўраймиз.

Бугунги шундай оғир шароитда юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Ўз соғлигингни, ўз болангни, ўз оилангни ўзинг асра!” деган шиорга тўлиқ амал қилишимиз лозимлигини сизларга яна бир бор эслатиб ўтамиз.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-07-13 12:05:50